# Шартнома № **478-1-27-OB/2022-son**

**Хужаобод туман** **9 декабрь 2022 йил**

Ушбу пудрат шартномаси “Буюртмачи» деб аталувчи Хўжаобод туман Ободонлаштириш бошкармаси, унинг номидан Низом асосида иш олиб *борувчи* рахбар вазифасини бажарувчи Т.Умирзаков бир томондан ва “Пудратчи” деб аталувчи “Хўжаобод Транс Лидер” МЧЖ ва унинг номидан Низом асосида иш олиб борувчи М. Тиллаев иккинчи томондан келишув асосида амалдаги конунларга мувофик тузилди.

## *1. ШАРТНОМАНИНГ МАВЗУСИ*

1.1 “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига мувофик Менинг махаллам дастурига асосан Хўжаобод туман Бешкарам МФЙ Мустакиллик кўчаси 2187 метр ички йўлларини (асфалтлаш) жорий таъмирлаш ишларини бажариб беради.

## П.ШАРТНОМАНИНГ БАХОСИ ВА ХИСОБ КИТОБ ТАРТИБИ

**2.1** Бажарилиши лозим бўлган ишлар “Буюртмачи» томонидан тасдикланган сметасига ва танлов комиссиясининг карори билан тасдикланган ишлар киймати “Барча соликлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда”га асосан жорий нархларда 658 400 165(Олти юз эллик саккиз миллион тўрт юз минг бир юз олтмиш беш) сўмни ташкил этади.
2.2 Шартнома иомонлар ўртасида имзоланиб Ғазначилик тизимидан рўйхатдан ўтгандан сўнг 10 банк ишида “Буюртмачи» бажариладигон ишлар умумий кийматининг 30 фоизини яни 197 520 049,50 (Бир юз тўксон етти минг беш юз йигирма минг кирк тўккиз сўм 50 тийин) сўмни тегишли бюджетдан молиялаштирилган маблағлар доирасида, олдиндан аванс тарикасида “Пудратчи” нинг хисоб ракамига ўтказиб беради.
2.3 Бажарилган ишлар учун тўловларнинг колган 65 фоизи, яни 427 960 107,25(тўрт юз йигирма етти миллион тўккиз юз олтмиш минг бир юз етти сўм йигирма беш тийин) сўмни “Пудратчи” томонидан топширилган бажарилган ишлар далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида тўлов графиги асосида ўтказиб беради.
2.4 “Буюртмачи» 5 фоизи охирги тўлов 32 920 008,25 (Ўттиз икки миллион тўккиз юз йигирма минг саккиз сўм йигирма беш тийин) сўмини “Пудратчи” томонидан иш тўлик бажарилиб топширилиб, кабул килиш-топшириш далолатномаси ва бажарилган ишлар кийматлари тўғрисидаги маълумотномалар асосида 5 йил кафолат муддатда ўтказиб беради.
2.5 Бажарилган ишлар учун тўловлар “Буюртмачи” томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

## Ш. ТОМОНЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

**3.1** “Пудратчи” нинг мажбуриятлари шартнома имзолангандан сўнг иш бажариладиган обектни “Буюртмачи»дан далолатномага асосан кабул килиб олади. Мазкур шартномада илова килинадиган тўлов жадвалига мувофик биринчи аванс тўлови амалга оширилгандан бошлаб ишларни бажаришга киришади ва ишларни бажариш календар графигига асосан 30 кун муддатда ишларни бажариб топширади. Барча ишларни тасдикланган смета хужжатларига мувофик, мазкур шартномада назарда тутилган хажмда ва муддатларда узининг кучлари билан бажариш хамда “Буюртмачи»га мазкур шартнома шартларига мувофик топширади. Иншоат ва унга кирадиган мухандислик тизимлари асбоб ускуналар, хом-ашёлардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар далолатномани имзолаган кундан бошлаб 10 кун этиб белгиланади. Агар иншоатдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аникланиб уни бартараф этилгунга кадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аникланса, у холда кафолат муддати нуксонларни

бартараф этиш даврига узайтирилади.Нуксонлар Пудратчи тамониданунинг уз хисобидан бартараф этилади.
3.2. «Пудратчи»нинг хуқуқлари Бажариб берилган иш учун олдиндан аванс хақ тўланишини ва ишни бажариб топширгандан сўнг тўла хажмда хисоб китоб қилинишини талаб қилиш; Бажариб берилган ишни қабул қилиб олиш асоссиз равишда рад этилиши натижасида етказилган зарарни қопланишини талаб қилиш;
3.3. «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари Тасдиқланган смета бўйича бажарилган ишларни қабул қилиб олиш;
Бажарилган ишлар учун ўз вақтида хақ тўлаш;
3.4. «Буюртмачи»нинг хуқуқлари «Пудратчи»дан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа меъёрий хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш; Камчиликларни бепул бартараф этилиши ёки камчиликларни бошқа шахс томонидан тўғриланиши харажатларини қопланишини талаб қилиш; «Пудратчи»дан шартномада курсатилган ишларини қабул қилиш коммиссияси иштирокида лойиха хужжатлари асосида ишни сифатли бажарган холда қабул қилиб олиш; «Пудратчи» томонидан ишлатиладиган материаллар ва асбоб ускуналарни шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини назорат қилиш

## IV.ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.1. Тарафлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, бу тараф:
-бошқа тарафга етказилган зарарни тўлайди;
-Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, ушбу Қонунда, ўзга қонунчилик хужжатларида ва шартномада назарда тутилган тартибда бошқача тарзда жавобгар бўлади.
-Агар қонунчиликда ёки шартномада бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, хўжалик шартномаларини бажармаганлик ва лозим даражада бажармаганлик учун ушбу Қонунда назарда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади.
4.2. «Пудратчи» ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.
4.3 Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортименти ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонунчиликда ёки хўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортименти ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади. Жаримани ундириш тўғрисидаги тўлов талабномаси белгиланган ўн кунлик муддатни бузган ҳолда тақдим этилган ҳолларда, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.
4.4. Товарларни бутлаб беришни талаб қилишга ҳақли. Етказиб берувчи сотиб олувчининг (буюртмачининг) талабини олган пайтдан бошлаб, агар тарафларнинг келишувида ўзга муддат белгиланган бўлмаса, ўн беш кунлик муддат ичида товарларни бутлаб бериши шарт; бундан буён товарлар бутлаб берилгунга қадар уларнинг ҳақини тўлашдан бош тортишга, агар товарларнинг ҳақи

тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммалар қайтарилишини талаб қилишга ҳақли; етишмаётган қисмлар қийматини қўшган ҳолда, етказиб берувчидан бут бўлмаган товарлар қийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундиришга ҳақли. Товарларни етказиб берувчи белгиланган муддатда товарларни бутлаб бермаса, сотиб олувчи (буюртмачи) бут бўлмаган товарларни қайтариб беришга ҳамда бут бўлмаган товарларни бут товарларга алмаштиришни талаб қилишга ҳақлидир.

4.5 Шартнома мажбуриятлари хўжалик юритувчи субъект мансабдор шахснинг айби билан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган, унинг томонидан хўжалик юритувчи субъектнинг пул маблағлари ва бошқа мол-мулки мақсадга номувофиқ фойдаланилганлиги аникланган, тўлов интизоми бузилган, хўжалик юритувчи субъект банкротликка дучор қилинган ёки шартнома муносабатлари соҳасида бошқа қоидабузарликлар содир этилган тақдирда, хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахси Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 45 ва 48-моддаларига мувофиқ фуқаролик-хуқуқий жавобгарликка, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 175, $176^2$, 212 ва 214-моддаларига мувофиқ маъмурий жавобгарликка, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 175, 181, 186, 205, 207 ва 209-моддаларига мувофиқ жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

4.6 Тўланадиган пеня ва жарималар шартнома мажбуриятларини бузган тарафни иккинчи тарафга ана шу мажбуриятларни бажармаслик оқибатида етказилган зарарни қоплаш жавобгарлигидан озод этмайди.

## V. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

5. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

5.1. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

5.2. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## VI. .НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ.

**6.**Ушбу шартнома буйича ёки у билан боглик холда тарафлар уртасида келиб чикадиган барча низолар ёзма талабнома билдириш юли билан, белгиланган тартибда хал этилади.

**6.1.** Билдирилган талабномага конунда белгиланган 15 (ун беш) кун муддат ичида жавоб олинмаган ёки талаблар каноатлантирилмаган такдирда, узини хукуки поймол килинган деб хисобловчи томон низони хал килиш учун даъво аризаси билан иктисодий судига мурожаат килишга хакли.

## VII. Шартномани бекор қилиш

6.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
6.2. Пудратчи:
ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.
6.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.
6.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.
6.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.
6.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ

7.1. Шартнома томонлар имзолаб худудий Газначилик булинмасидан руйхатдан утган кундан кучга киради ва 31 декабрь 2022 йилгача амал қилади.
7.2. Шартнома 2 нусхада тузилиб, иккала нусхаси ҳам хуқуқий жихатдан тенг кучли ҳисобланади.

## VIII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

8.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўкотади.

8.2. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукукига эга бўлмайди.

8.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

8.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

8.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

8.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

8.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган Шартнома нусхалари сони нусхада тузилди.

## 9. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ КУРАШ ШАРТЛАРИ.

9.1. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслар ва ходимлари томонидан шартнома билан боғ'лиқ муносабатлар юзасидан қуйидагиларни кафолатлайди:

-қонунга хилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини;
-шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга вада қилинмаганлигини;
- моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз олинмаганлигини.
9.2. Тарафлар улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг(ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридафи ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.
9.3. Тарафлар уларнинг назорати остида бо'лган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар юқоридаги мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйиқ о'тказмаслигини кафолатлайди.
9.4. Шартноманинг тарафи ва у томонидан жалб қилинган шахслар (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахслар)томинидан коррупсияга қарши қо'шимча шартларга риоя этилмаганда, иккинчи тараф шартномани бир тарафлама то'хтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарарни қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли бо'лади.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«ПУДРАТЧИ»

" Хужаобод Транс лидер " МЧЖ
Манзил : Хужаобод тумани Етмишмерган МФЙ
х/р 2020 8000 6050 0809 3001
МФО 01037
Стир 302 428 002

Бошлик: ____________ М.Тиллаев

«БУЮРТМАЧИ»

Хужаобод туман Ободонлаштириш бошкармаси
Манзил Хужаобод ш, Лайлак уч кучаси 5 уй
Марказийбанк Тошкент ш, бош бошкармаси ХККМ
х/р 100022860032367045203110001
МФО 00014 СТИР 205595604 ОКОНХ:90290
Молия Вазирлиги Газна хисоб вараги
МФО 00014 ИНН 201122919

Бошлик : ____________ Т.Умирзаков

<table>
<tr><td rowspan="5">[[QR]]</td><td colspan="2">Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan.<br>Elektron raqamli imzoning haqiqiyligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.</td></tr>
<tr><td>Imzolovchi F.I.SH.</td><td>undefined</td></tr>
<tr><td>Imzolangan sana</td><td>undefined</td></tr>
<tr><td>Hujjat kodi</td><td>undefined</td></tr>
<tr><td>Hulosa kodi</td><td>undefined</td></tr>
</table>

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

TD4035055327

**1**. Loyihaning turi : Shartnoma

**2.** Loyihaning nomi: **"Xujaobod Trans lider " MChJ raxbar M.Tillaev Xujaobod tuman Obodonlashtirish boshkarmasi boshligi T.Umirzakov Mening maxallam dasturiga asosan Beshkaram MFY Mustaqillik kuchasi 2187 metr ichki yo'llarini (asfal'tlash)joriy ta'mirlash ishlarini bajarib beradi.**

**3.** Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Xujaobod tuman TOB tomonidan 06.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Xo'jaobod tumani yuridik markazi markaz rahbari:**

**S.B.RAXIMOV**

09.12.2022

**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**

Хўжаобод туман Ободонлаштириш

Бошқармаси бошлиғи

Т. Умирзаков

Хўжаобод тумани Бешкарам МФЙ Мустакиллик кўчасини 2187 метр ички йўлларини асфалтлаш ишлари бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш

**БАЁНИ №31**

2022 йил «6» декабр Хўжаобод тумани

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг "Очиқ бюджет"ахборот портали орқали фукаролар томонидан билдирилган таклифларга овоз бериш бўйича ғолиб деб топилган тадбирлар учун маблағ ажратиш тўғрисида Хўжаобод туман ҳокимининг 2022 йил 9 ноябрдаги VI-32-112-1-27-К/22-сон карорига асосан « Бешкарам МФЙ Мстакиллик кўчасини 2187 метр ички йўлларини асфалтлаш ишлари ҳақида».

Йиғилишда 2022 йил 5- июлда тасдиқланган танлов хайъатининг аъзолари йиғилишда иштирок этдилар:

1. А.Саитов - туман ободонлаштириш бошқармасининг бош мухандиси хайъат раиси

**ХАЙЪАТ АЪЗОЛАРИ:**

2 О. Мирзаева - туман ободонлаштириш бошқармаси ёрдамчи хисобчи, котиби
3. Х.Халилов - туман ободонлаштириш бошқармаси Кабристон назоратчиси, аъзо
4. Г. Аманова - туман ободонлаштириш бошқармаси омборчи, аъзо
5. О. Ортиков - туман ободонлаштириш бошқармаси булим устаси, аъзо
6. А. Соипов - туман ободонлаштириш бошқармаси бригадир, аъзо

**КУН ТАРТИБИ**

Хўжаобод тумани Бешкарам МФЙ Мустакиллик кўчасини 2187 метр ички йўлларини асфалтлаш **ишлари бўйича танлов ўтказиш ҳақида**

Кун тартибидаги масала юзасидан туман ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Т. Умирзаков сўз олиб ички йўлларни жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун тузилган Хўжаобод тумани Бешкарам МФЙ ички йўлларини асфалтлаш учун нуқсонлар қайдномасига тузилган булиб, унга кура Бешкарам МФЙ Мустакиллик кўчасини 2187 метр ички йўлларини асфалтлаш учун **683500000** сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Биз ушбу Хўжаобод тумани Бешкарам МФЙ Мустакиллик кўчасини 2187 метр ички йўлларини асфалтлаш ишларини амалга оширувчи пудрат ташкилоти - қурилиш корхонасини аниқлаб олишимиз керак. Хўжаобод тумани Бешкарам МФЙ Мустакиллик кўчасини 2187 метр ички йўлларини асфалтлаш учун танловга қатнашиш таклифи ушбу фаолият билан шуғулланувчи бир қатор хўжалик юритувчи субъектларга **Махсус е –tender Ахборот парталига 24.11.2022 йил жорий таъмирлаш ишлари учун 683400165 сўмга лот №** 198275 билан эълонлар жойлаштирилди

| Эълонга берилган № | Эълон нашр этган сана | Эълонга берилган маблағ | Эълонга қўйилган хизмат тури | **«Xojaobod trans lider» МЧЖ** томонидан қўйилган таклиф | **Oltinkol umumiy foydalaishdagi yollarni qurish va re** MCHJ томонидан қўйилган таклиф |
|---|---|---|---|---|---|
| 198275 | 24.11.2022 й | 683400165 сум | Хўжаобод тумани Бешкарам МФЙ Мустакиллик кўчасини 2187 метр ички йўлларини асфалтлаш ишлари | 658 400 165 сум | 673 400 165 сум |
| | | | **жами** | 658 400 165 сум | 673 400 165 сум |

Танловда Хўжаобод туманидаги **« Xojaobod trans lider » МЧЖ** ва **Oltinkol umumiy foydalaishdagi yollarni qurish va re** МСНЈ корхоналари ўз тижорий таклифлари билан қатнашмоқда.

**1.« Xojaobod trans lider » МЧЖ**
**Бажариладиган ишлар буйича** 658 400 165 сум

**2. Oltinkol umumiy foydalaishdagi yollarni qurish va re**
МСНЈ корхонаси
**Бажариладиган ишлар буйича** 673 400 165 сум

Хайъат аъзолари томонидан Хўжаобод тумани Бешкарам МФЙ мустакиллик кўчасини 2187 метр ички йўлларини асфалтлаш ишларини амалга оширувчи корхоналарининг таклифлари ўрганиб чиқилиб, **Махсус е – tender Ахборот парталида** баённомага асосан тахлил килиниб овозга қўйилганда **Xojaobod trans lider** МСНЈ **»** таклифини ёқлаб хайъати аъзолари томонидан овоз берилди.

**Танлов комиссиясии аъзолари кун тартибидаги масалани мухокама қилиб:**

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И:**

1. Ўтказилган танловда Андижон вилояти Хўжаобод туман Давлат хизматлари маркази томонидан 2012 йил 26- ноябрь куни тадбиркорлик субъекти сифатида № 2180 ракам билан гувохнома берилган (СТИР № 302428002 ) **« Xojaobod trans lider » МЧЖ** Бешкарам МФЙ Мустакиллик кўчасини 2187 метр ички йўлларини асфалтлаш ишларини бажариб беришлигини хисобга олиб танлов ғолиби деб топилсин.

2. Шартномада жорий таъмирлаш ишларини амалга оширишда ташкилотларни узига нисбатан банкротлик эмаслиги, коррупсияга йўл қуймаслиги тўғрисида тилхат, ишларни бажариш учун зарур техникавий молиявий моддий кадрлар ва бошка ресурсларни мавжудлиги тўғрисида хужжатларни такдим килганлиги хисобга олинсин.

4. Жорий таъмирлаш ишлари учун буюртмачининг пудрат ташкилоти билан хисоб-китоблари, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномалари асосида, бажарилган иш миқдори (қилинган харажатлар) тўғрисидаги ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган хисоб варак-фактуралар (маълумотномалар) буйича амалга оширилсин.

5. «Танлов натижалари буйича ғолиб» деган тушунча хизмат курсатувчи хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома шартлари бузилганда буюртмачи, яъни туман ободонлаштириш бошқармаси ташаббуси билан шартномани бекор килишга тусқинлик қилмаслиги таъкидлансин.

Қарор йиғилиш иштирокчилари томонидан ёклаб овоз бериш билан қабул қилинди.

| | |
|---|---|
| Комиссия раиси: | А. Саитов |
| Комиссия котиби: | О. Мирзаева |
| Комиссия аъзолари: | А. Соипов |
| | Х.Халилов |
| | О. Ортиков |
| | Г. Аманова |

"TASDIQLAYMAN"
Xo'jaobod tumani obodonlashtirish boshqarmasi boshlig'i
_______ Ummatqulov
"10" iyun 2022 yil

Xo'jaobod tumani "Beshkaram" MFY "Mustaqillik" ko'chasini
0km-2,187km qismini joriy ta'mirlash bo'yicha

**N U Q S O N L A R   Q A Y D N O M A S I**

Biz, quyida imzo qo'yib tasdiqlovchilar, komissiya a'zolari: Xo'jaobod tuman obodonlashtirish boshqarmasi vakili "Beshkaram" MFY raisi, Loyiha tashkilot vakili, mazkur qaydnomani tuzdik shu to'g'ridaki, vizual tekshirish va instrumental o'lchashlar natijasida ushbu yo'lda quyidagi ish turlari va xajmlari aniqlandi.

| № | Ishlarning manzili | | | | Uzunligi (m) | Yo'l elementlarini mavjud xolati | Loyihada kuzda tutilgan ish turlari va tadbirlari | Ish xajimlarini hisoblash formulasi | O'lchov birligi | Miqdori | Izox |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | km | | piketaj | | | | | | | | |
| | dan | gacha | PK + | PK + | | | | | | | |
| | км | км | ПК+ | ПК+ | | | | | | | |
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
| | | | | №1 Ko'chaning uzunlugi - 310m. | | | | | | | |
| 1 | 0,0 | 0,310 | 0÷00 | 3÷10 | 310 | Mavjud yo'l qoplamasi Shag'allangan. Shag'ali yetarli emas. Kengligi 3,5m | Avtogreyder bilan yo'lning bo'ylama va ko'ndalang profilini qayta tiklash. | L x Eni | m2 | 1085 | |
| | | | | | | | Qoplama bo'yicha noteks joylarga Qum Shag'al aralashmasidan tekislovchi qatlam yotqizish kerak | L x Eni x % | m3 | 34 | |
| | | | | | | | Mehanizim yordamida 5sm qalinlikda qaynoq mayda zarrali zich asfaltobeton qorishmasi yotqizish | L x Eni | m2 | 1085 | |
| | | | | №2 Ko'chaning uzunlugi - 632m. | | | | | | | |
| 2 | 0,0 | 0,632 | 0+00 | 6+32 | 632 | Mavjud yo'l qoplamasi Shag'allangan. Shag'ali yetarli emas. Kengligi 4,0m | Avtogreyder bilan yo'lning bo'ylama va ko'ndalang profilini qayta tiklash. | L x Eni | m2 | 2528 | |
| | | | | | | | Qoplama bo'yicha noteks joylarga Qum Shag'al aralashmasidan tekislovchi qatlam yotqizish kerak | L x Eni x % | m3 | 33 | |
| | | | | | | | Mehanizim yordamida 5sm qalinlikda qaynoq mayda zarrali zich asfaltobeton qorishmasi yotqizish | L x Eni | m2 | 2528 | |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | №3 Ko'chaning uzunlugi - 384m. | | | | | | | |
| 3 | 0,0 | 0,384 | 0+00 | 3+84 | 384 | Mavjud yo'l qoplamasi.Shag'allangan. Shag'ali yetarli emas. Kengligi 3,5m | Avtogreyder bilan yo'lning bo'ylama va ko'ndalang profilini qayta tiklash. | L x Eni | m2 | 1344 | |
| | | | | | | | Qoplama bo'yicha noteks joylarga Qum Shag'al aralashmasidan tekislovchi qatlam yotqizish kerak | L x Eni x % | m3 | 17 | |
| | | | | | | | Mehanizim yordamida 5sm qalinlikda qaynoq mayda zarrali zich asfaltobeton qorishmasi yotqizish | L x Eni | m2 | 1344 | |
| | | | | №4 Ko'chaning uzunlugi - 290m. | | | | | | | |
| 4 | 0,0 | 0,290 | 0+00 | 2+90 | 290 | Mavjud yo'l qoplamasi.Shag'allangan. Shag'ali yetarli emas. Kengligi 3,5m | Avtogreyder bilan yo'lning bo'ylama va ko'ndalang profilini qayta tiklash. | L x Eni | m2 | 1015 | |
| | | | | | | | Mehanizim yordamida 5sm qalinlikda qaynoq mayda zarrali zich asfaltobeton qorishmasi yotqizish | L x Eni | m2 | 1015 | |
| | | | | №5 Ko'chaning uzunlugi - 211m. | | | | | | | |
| 5 | 0,0 | 0,211 | 0+00 | 2+11 | 211 | Mavjud yo'l qoplamasi.Shag'allangan. Shag'ali yetarli emas. Kengligi 3,5m | Avtogreyder bilan yo'lning bo'ylama va ko'ndalang profilini qayta tiklash. | L x Eni | m2 | 739 | |
| | | | | | | | Qoplama bo'yicha noteks joylarga Qum Shag'al aralashmasidan tekislovchi qatlam yotqizish kerak | L x Eni x % | m3 | 50 | |
| | | | | | | | Mehanizim yordamida 5sm qalinlikda qaynoq mayda zarrali zich asfaltobeton qorishmasi yotqizish | L x Eni | m2 | 739 | |
| | | | | №6 Ko'chaning uzunlugi - 360m. | | | | | | | |
| 6 | 0,0 | 0,360 | 0+00 | 3+60 | 360 | Mavjud yo'l qoplamasi.Shag'allangan. Shag'ali yetarli emas. Kengligi 3,5m | Avtogreyder bilan yo'lning bo'ylama va ko'ndalang profilini qayta tiklash. | L x Eni | m2 | 1260 | |
| | | | | | | | Mehanizim yordamida 5sm qalinlikda qaynoq mayda zarrali zich asfaltobeton qorishmasi yotqizish | L x Eni | m2 | 1260 | |

| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | MFY Idorasi oldi. | | | | | |
| 7 | | | | | | Mavjud yo'l qoplamasi.Eski asfaltobetondan iborat | Mehanizim yordamida 5sm qalinlikda qaynoq mayda zarrali zich asfaltobeton qorishmasi yotqizish | L x Eni | m2 | 100 | |
| | | | | | | Umumiy yo'l bo'yicha sariflanadigan qurilish materiallarini keltirish masofasi. | | | | | |
| 1 | | | | | | Asfaltobeton | | | km | 8 | |
| 2 | | | | | | Qum. shag'al aralashmasi | | | km | 8 | |

**Imzo qoyuvchilar:**

1. Andijon viloyati Xo'jaobod tuman obodonlashtirish boshqarmasi vakili: A. Саитов
2. MFY raisi:
3. Loyixa tashkilot vakili: Абдуллаев Н

YO'L LOYIXA SERVICE